

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ**288 Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида****[Кўчирма]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сонли Фармонига мувофиқ, шунингдек ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар барвақт профилактикаси ва олдини олиш бўйича фаолиятини тубдан такомиллаштириш мақсадида:

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини оширишнинг қуйидаги асосий йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин:

**биринчи** — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг республика, ўрта ва қуйи поғоналари фаолиятининг сифат жиҳатидан янги тартибини ўрнатиш, бунда уларнинг асосий вазифалари, функциялари ҳамда жавобгарлигини аниқ белгилаш ва чегаралаш, профилактика инспекторлари зиммасига улар фаолиятига хос бўлмаган функциялар юклатилишига йўл қўймаслик;

**иккинчи** — профилактика ишини аҳоли, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликда ташкил этиш, ушбу ишни, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишни таъминлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдиришга қаратиш;

**учинчи** — вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш тизимини уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ўсиб келаётган ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш;

**тўртинчи** — профилактика инспекторларининг зиммаларига юклатилган мажбуриятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шу жумладан ўзларининг фаолияти ҳақида жамоатчилик олдида тизимли равишда ҳисобот беришларини йўлга қўйиш, уларнинг аҳолини ташвишга солаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлиш ҳолатларига чек қўйиш;

**бешинчи** — профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг таъсирчан мезонларини жорий этиш, бунда, биринчи навбатда жамоатчилик фикри, уларнинг фаолияти натижаларидан фуқароларнинг қаноатланиши ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик даражасини ҳисобга олиш;

**олтинчи** — ушбу соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш, профилактика инспекторларининг билим даражаси ва касбий тайёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шароитларини яратиш, уларни бевосита ўзларига бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминлаш, зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш натижадорлиги учун моддий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

2. 2017 йилнинг 1 октябридан қуйидаги тартиб жорий этилсин:

профилактика инспекторлари ўз лавозимига тегишли фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирокида бўлиб ўтадиган муҳокамалар натижаларига кўра қабул қилинадиган халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан тасдиқланади;

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳар ойда профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитади.

Белгилаб қўйилсинки, профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш яқунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун асослантирилган ҳисобкитоблар бўйича маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2018 йилнинг 1 январига қадар профилактика инспекторларини ўзлари бириктирилган ҳудудда хизмат турар жойи билан таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда криминоген вазият, аҳоли сони ва ҳудудларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тоифаланган ички ишлар органлари таянч пунктларининг янгиланган жойлашувини тасдиқласин;

бир ой муддатда янги барпо этилаётган ички ишлар органлари таянч пунктларини жойлаштириш ва жиҳозлаш, шу жумладан, қурилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сонли

Фармонига мувофиқ амалга ошириладиган «Маҳалла маркази» мажмуалари ва фуқаролар йиғинлари бинолари намунавий лойиҳаларига профилактика инспекторлари учун алоҳида хоналарни киритишни назарда тутган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими-ни танқидий қайта кўриб чиқиш асосида, замонавий талаблар ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислиги бўйича таълим олувчилар сонини кўпайтириш чораларини кўрсин;

ички ой муддатда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан биргаликда ички ишлар органлари учун кадрлар захирасини шакллантириш мақсадида «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари лавозимига асосан ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаган шахсларни (танлов асосида) саралашнинг ва тайинлашнинг самарали мезонларини жорий этиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ички ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

уч ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 18 апрель,  
ПҚ-2896-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги  
ПҚ-2896-сонли қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси  
бош бошқармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси (кейинги ўринларда — Бош бошқарма) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (кейинги ўринларда — ИИВ) ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига қонун ҳужжатларига мувофиқ услубий раҳбарлик қилишни ва уни мувофиқлаштиришни таъминловчи таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги ва бошқа қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг буйруқлари ва фармойишлари, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси;

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (кейинги ўринларда — ИИББ), вилоятлар ички ишлар бошқармалари (кейинги ўринларда — ИИБ)нинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари;

ички ишлар органларининг вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари;

туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари);

ички ишлар органларининг қишлоқ, овул ва маҳаллалардаги таянч пунктлари.

4. Бош бошқарма Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири тўширилган ва ўзининг тўлиқ номи ёзилган бланки ва муҳрига, штампига эга бўлади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан таъсис этиладиган ва Бош бошқарма фаолиятининг ўзига хос хусусиятини ифодаловчи рамзий белгисига эга бўлиши мумкин.

## **2-боб. Бош бошқарманинг асосий вазифалари ва функциялари**

5. Қўйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мамлакатдаги криминоген вазият тўғрисидаги ахборотни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини, шу жумладан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш, кадрлар салоҳиятининг доимий равишда мустаҳкамланишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни, шунингдек қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини ижро этиш бўйича фаолиятни белги-ланган тартибда назорат қилиш;

қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, ўзга давлат органлари ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш.

6. Қўйидагилар Бош бошқарманинг асосий функциялари ҳисобланади:

*а) мамлакатдаги криминоген вазият тўғрисидаги ахборотни комплекс ва тизимли таҳлил қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида мавжуд куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек уларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш соҳасида:*

ички ишлар органларининг қўйи ва бошқа бўлинмаларидан вилоят, туман ва шаҳарлар бўйича криминоген вазият ҳақидаги ахборотни талаб қилиб олиш ва умумлаштириш;

криминоген вазият ҳақида олинаётган ахборотни тизимли равишда ўрганишни амалга ошириш, ички ишлар органларининг мавжуд куч ва воситаларини жойлаштиришда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни, шунингдек ҳуқуқбузарликлар содир этилишга имкон берувчи омилларни аниқлаш; мамлакатнинг таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муас-

сасаларида ва бошқа ташкилотларида вояга етмаганлар билан тарбиявий ишлар ахволини ўрганиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишга йўналтирилган, шу жумладан бошқа давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ўтказиладиган тадбирларнинг истиқболли ва жорий режалаштирилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, куч ва воситаларни оқилона жойлаштириш ва қайта тақсимлаш бўйича таклифлар тақдим этиш;

давлат органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, шу жумладан тегишли инфратузилмани ривожлантириш бўйича тақдимномалар киритиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида маълумот-ахборот фондини шакллантириш, ҳисобга олишларни марказлаштириш, статистик ҳисобот юритиш;

*б) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини, шу жумладан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва услубий таъминлаш, кадрлар салоҳиятининг доимий равишда мустаҳкамланишини таъминлаш соҳасида:*

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ўрганишни ташкил этиш;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларига амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг ишини самарали ташкил этиш учун методик ва бошқа материаллар ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимлари томонидан қонунчилик талабларини, хизмат интизомини ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари, шунингдек ички ишлар органлари ходимлари обрўсини туширадиган бошқа хатти-ҳаракатлар бўйича текширувлар ўтказиш;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятида қонунийликни мустаҳкамлашга, ходимлар томонидан суистеъмолчилик ва бошқа ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид қонунчилик, давлат дастурлари ва бошқа дастурлар бажарилиши устидан мониторинг ва назорат қилиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида белгиланган тартибда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга ошириш;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оши-

риш тизимини такомиллаштириш, замонавий таълим технологияларидан, жадал ўқитиш услубларидан кенг фойдаланиш;

ички ишлар органлари таянч пунктларининг моддий-техник жихозланиши ва инфратузилмасининг ривожланишини таъминлаш бўйича чоралар ишлаб чиқиш, профилактика инспекторлари учун муносиб хизмат шароитларини яратиш;

*в) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни, шунингдек қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини ижро этиш бўйича фаолиятни белгиланган тартибда назорат қилиш соҳасида:*

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни, шунингдек қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини ижро этиш бўйича фаолиятини текширишни амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни, шунингдек қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини ижро этиш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишига йўл қўймаслик бўйича ўз ваколатлари доирасида зарур чораларни кўриш;

ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни, шунингдек қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини ижро этиш бўйича фаолиятига замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш юзасидан чоралар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи шахсларнинг ахлоқан тузалиши ва қайта ҳуқуқбузарлик содир этишларининг олдини олиш мақсадида улар билан олиб бориладиган профилактика ишларини такомиллаштириш;

*г) қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш соҳасида:*

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатлар лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқиш ва ушбу жараёнда бевосита иштирок этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига замонавий криминалистик техника, ахборот-коммуникация технологиялари, криминалистик ва маълумотлар тезкор-маълумот базаларининг жорий қилинишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан ахборот-таҳлилий материаллар, обзорлар ва тавсиялар тайёрлаш;

ички ишлар органлари фаолиятида, шу жумладан хорижий давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида самарали фойдаланилаётган ижобий тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш;

олий таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш бўйича самарали шакл ва усулларни ҳамда ишлашнинг ягона принципларини ишлаб чиқиш;

*д) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, ўзга давлат органлари ва ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш соҳасида:*

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг ишчи органи функциясини бажариш;

давлат органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, жамоат бирлашмалари билан биргаликда вояга етмаганларни ўқитиш ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш бўйича тадбирлар ўтказиш, вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлашдаги умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш;

аҳолининг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий кескинликни юмшатиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишнинг асосий шарти сифатида тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашиш;

таълим муассасаларида ички ишлар органлари, бошқа давлат идоралари ва ташкилотлардан мутахассисларни жалб қилган ҳолда, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб масалалари бўйича семинарлар ва «давра суҳбатлари» ўтказиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### **3-боб. Бош бошқарманинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

7. Бош бошқарма ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ бўлинмалари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлардан бошқарув қарорларини қабул қилиш, ахборот-таҳлилий ва ҳисобот маълумотларини тайёрлаш учун зарур бўлган ҳужжатлар (уларнинг нусхалари), маълумотлар ва бошқа материалларни сўраш ҳамда олиш;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг ҳужжатлари ва материаллари билан танишиш, уларнинг ижроси ҳақида зарур маълумотларни олиш;

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига давлат органларига ва бошқа ташкилотларга, мансабдор шахсларга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф



этиш бўйича, бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар йўллаш ҳақида таклифлар киритиш;

ички ишлар органларининг бошқа бўлинмаларидан ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари зиммасига юклатилган тадбирларни амалга оширишда кўмаклашишни талаб қилиш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида ички ишлар органлари маълумотлар базасидан фойдаланиш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида қонунийлик ва хизмат интизомига риоя этилиши аҳволини ўрганиш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимлари томонидан қонунийлик ва хизмат интизомини бузишга оид аниқланган ҳолатлар бўйича тегишли чоралар кўриш;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш, ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Бош бошқарма қуйидаги мажбуриятларга эга:

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкани, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарур чоралар кўриш;

ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг иш фаолияти ҳақида зарур маълумотларни тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбариятига тақдим этиш.

Бош бошқарма қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Бош бошқарма ўз зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни самарали бажарилиши учун жавобгардир.

#### **4-боб. Бош бошқарма фаолиятини ташкил этиш**

10. Бош бошқармага Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинландиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

11. Бош бошқарма бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан ўрнатилган тартибда лавозимга тайинландиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринбосари бўлади.

12. Бош бошқарма бошлиғи:

Бош бошқарма фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга оширади ва Бош бошқарма зиммасига юклатилган вазифалар, функциялар ва мажбуриятларнинг тегишли тарзда бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарлари ўртасида функционал вазифаларни тақсимлайди, улар зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

Бош бошқарманинг иш режаларини тасдиқлайди;

ўз ваколат доирасида кўрсатмалар чиқаради ва ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари жами шахсий таркиби томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига киритади;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жараёнида ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан ҳамкорликни мувофиқлаштиради;

кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, лавозимга ўтказиш ва уларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда хизмат интизомига риоя этилишини ташкил қилади, ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимларини ўрнатилган тартибда қайта тайёрлаш ва малака оширишга юборади;

Бош бошқарма ходимларига махсус унвонлар бериш, рағбатлантириш, шу жумладан, мукофотлаш ҳамда уларга интизомий жазолар қўллаш ҳақидаги таклифларни ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбариятига тақдим этади;

ўрнатилган тартибда Бош бошқарма ходимларини хизмат сафарларига юборади;

ўз ваколати доирасида Бош бошқарма ходимларига меҳнат таътили беради;

Бош бошқармада ўрнатилган тартибда сафарбарлик тайёргарликни ташкил этади ва таъминлайди, шунингдек, фуқаро муҳофазаси бўйича тадбирларнинг бажарилишини таъминлайди;

Бош бошқарма бўлинмаларида махфийлик режимига риоя этилиши, шу жумладан ахборотнинг техник ҳимояси бўйича тадбирларнинг ташкил этилиши учун жавоб беради;

ўз ваколати доирасида ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари раҳбар ходимларини танлаш ва жой-жойига қўйишда иштирок этади;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолияти устидан бевосита ва ўзининг ўринбосарлари орқали назоратни амалга оширади;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари раҳбарлари ҳисоботларини эшитади;

ўзига бўйсунувчи ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари ходимлари ҳаракатларининг қонунга мувофиқлиги юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича шунингдек, ходимлар томонидан қонун бузилишининг ҳар бир аниқланган ҳолати бўйича ўрнатилган тартибда текширувлар ўтказилишини таъминлайди;

ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари штат бирликлари сонини қайта тақсимлаш ҳақида таклифлар киритади;

Бош бошқарма зиммасига юклатилган вазифалар ва функциялардан келиб чиққан ҳолда бошқа ваколатларни амалга оширади.

13. Сафдорлар таркибидан ташқари, Бош бошқарма ходимлари Бош бошқарма бошлиғи тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан, Ўзбекистон Республикаси ИИБ транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими ходимлари эса транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси бошлиғининг Бош бошқарма бошлиғи билан келишилган тақдимига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқлари тақдимига мувофиқ лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари тегишли бошлиқларининг тақдимига мувофиқ лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

16. Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг, транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлимларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари, гуруҳлари) бошлиқлари ва ходимлари, шунингдек, ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторлари Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБ бошлиқлари томонидан тегишли ички ишлар бошқармаси (бўлими) ва транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими бошлиқларининг тақдимига мувофиқ лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

### **5-боб. Яқуний қондалар**

17. Бош бошқарма фаолияти устидан назорат Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан амалга оширилади.

18. Иш юритиш ва махфийлик тартиби бўйича тадбирлар Бош бошқарма томонидан мустақил равишда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

19. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларини қурол-аслаҳа, махсус техника ва бошқа моддий-техника воситалари ҳамда мулк билан таъминлаш ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги  
ПҚ-2896-сонли қарорига  
2-ИЛОВА

## **Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом ички ишлар органлари таянч пунктлари (кейинги ўринларда — таянч пункти) фаолиятининг вазифалари ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини, профилактика инспекторларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларнинг давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда аҳоли билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳамкорлик қилиш тартибини белгилайди.

2. Таянч пунктлари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг асосий қўйи бўғини ҳисобланиб, улар ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Таянч пунктлари ўз фаолиятини профилактика катта инспекторлари ва профилактика инспекторлари (кейинги ўринларда — профилактика инспекторлари) таркибида амалга оширади.

Таянч пунктлари фаолиятини ташкил этиш учун ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ҳам жалб этилиши мумкин.

### **2-боб. Таянч пунктнинг асосий вазифалари ва профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этиш**

3. Таянч пунктларининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва фош этишда, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган фуқароларни қидиришда иштирок этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш; аҳоли билан унинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш ва ижтимоий

кескинликни юмшатиш масалаларида тўғридан-тўғри очиқ мулоқотни йўлга қўйиш;

хуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг, ғайрижтимой хулқ-атворга эга, хуқуқбузарлик содир этишга мойил, шунингдек хуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини таъминлаш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг хуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш.

4. Профилактика инспекторлари лавозимларига олий маълумотга эга, касбий, ахлоқий-руҳий ва жисмоний жиҳатдан тайёргарлик кўрган, хуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ва усулларини амалда қўллаш кўникмаларига эга бўлган шахслар тайинланадилар.

Профилактика катта инспекторлари лавозимларига ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган шахслар тайинланадилар.

5. Профилактика инспектори лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (кейинги ўринларда — ИИББ), вилоятлар ички ишлар бошқармалари (кейинги ўринларда — ИИБ) бошлиқлари томонидан амалга оширилади.

Профилактика инспектори тегишли халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши қарори билан лавозимга тасдиқланиб, унинг мажлисида қўйидаги мазмундаги қасамёдни қабул қилган вақтдан бошлаб лавозимга киришган деб ҳисобланади:

«Мен, (фамилияси, исми, отасининг исми), \_\_\_\_-сонли таянч пункти профилактика инспектори лавозимига киришар эканман, ўз бурчимни ва менга ишониб топширилган ҳудудда фуқароларнинг конституциявий хуқуқларини ҳимоя қилиш, тинчлик, осойишталик, хавфсизлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасида менга юклатилган мажбуриятларни виждонан, ситқидилдан бажаришга қасамёд қиламан».

6. Профилактика инспектори лавозимига биринчи маротаба тайинланаётган шахслар, шунингдек, ушбу лавозимда уч йил хизмат қилган шахслар тегишлича ўрнатилган тартибда касбий тайёргарлик курсини ва малака оширишни ўтайдилар.

7. Биринчи бор лавозимга тайинланган профилактика инспекторига Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган тартибда бир йил муддатга тажрибали профилактика инспекторлари орасидан мураббий бириктирилади.

8. Профилактика инспекторлари уч йилда бир марта уларнинг хизмат фаолиятлари ва эришган натижаларини баҳолаш, хизматларидаги интизом ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланадиган тартибда аттестациядан ўтадилар.

9. Профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари қуйидагилар ҳисобланади:

таянч пункти фаолияти, унинг ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этишдаги ўрни тўғрисида ижобий жамоатчилик фикрининг шаклланганлиги;

конунийлик ва ҳуқуқ-тартиботнинг, конун хужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишининг таъминланиши;

ўз вақтида ва тўлиқ ҳуқуқбузарликларнинг аниқланиши, уларни содир этган шахсларнинг топилиши, шунингдек жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига риоя этилишининг таъминланиши;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг муқамаллиги ва таъсирчанлиги;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият ва давлат манфаатларига сўзсиз риоя этилишининг таъминланиши;

ички ишлар органлари ҳисобида турган шахслар билан олиб борилган профилактик ишларнинг самарадорлиги;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасида давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамкорлик даражаси.

10. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ ва вилоятлар ИИБларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармалари ҳар чоракда профилактика инспекторлари фаолияти натижаларини кўриб чиқадилар, умумлаштирадилар ва баҳолайдилар, уларнинг натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқадилар ҳамда профилактика инспекторлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган чораларни амалга оширадилар.

11. Профилактика инспекторлари юқори даражадаги касбий кўникмалари ва ҳуқуқий маданияти, фидокорона меҳнати, мардлиги ва кўрсатган жасорати учун ўрнатилган тартибда рағбатлантириладилар.

### **3-боб. Профилактика инспекторларининг ваколатлари**

12. Таянч пунктларига юклатилган вазифаларни бажариш учун профилактика инспекторлари қуйидаги ваколатларни амалга оширадилар:

қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалардаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганадилар, шунингдек ўрганиш натижалари бўйича юқори турувчи ички ишлар органларига тегишли маълумот ва таклифларни тақдим этадилар;

ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга оширадилар;

ўқувчиларининг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қиладилар, ижтимоий хавfli ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб борадилар;

тақиқланган ташкилотлар ҳамда террорчилик, экстремистик ва бошқа ғайриқонуний ва бузғунчилик йўналишидаги гуруҳлар фаолиятига алоқадор шахсларни аниқлайдилар;

ўрнатилган тартибда профилактик ҳисобга олишни, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ҳисобини юритадилар;

жиноятларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиний жазодан бўйин товляётган, бедарак йўқолган шахсларни ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларни қидириш, шунингдек, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш бўйича тезкор қидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашадилар;

аҳоли билан мунтазам равишда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини аниқлашга қаратилган учрашувлар ўтказиб борадилар;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотларга ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, шу жумладан, инфратузилмани ривожлантириш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритадилар;

давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритадилар;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чораларни амалга оширадилар;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларга қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш бўйича тадбирларни, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда, ўтказишадилар;

жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қиладилар, уларнинг мурожаатларини, шу жумладан, тайёрланаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарларини қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда кўриб чиқадиладар;

ўқотар қуролларни сақлаш қоидаларига риоя этилишини назорат қилишга кўмаклашадилар;

доимий яшаш жойини узоқ муддатга тарк этган шахсларни аниқлайди-

лар ва ҳисобини юритадилар, уларнинг чет элда бўлиш жойлари ва муддатларини аниқлаш юзасидан қариндошлари билан мунтазам иш олиб борадилар, узоқ муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахслар билан профилактик ишларни амалга оширадилар;

бириктирилган ҳудуддаги ҳар бир оилани айланиб чиқадилар ва уларни ўрғанадилар, нотинч оилаларни аниқлайдилар, улар билан профилактик ишлар олиб борадилар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда уларнинг маиший ва бошқа муаммоли масалаларини ҳал этишга қўмақлашадилар;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазога маҳкум қилинган шахслар, шунингдек қамокда сақлаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар устидан ўрнатилган тартибда назоратни амалга оширадилар, улар билан профилактик ишлар олиб борадилар;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ва ички ишлар органлари маъмурий назоратига қўйилган шахсларга тарбиявий-профилактик таъсир чораларини, уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чекловлар қўллашни амалга оширадилар;

фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларида тушунтириш ишларини ташкил этадилар;

доимий ва вақтинча пропускасиз ёки турган жойи бўйича ҳисобда турмаган ёхуд бошқача тарзда паспорт-виза режими талабларини бузган ҳолда яшаётган шахсларни аниқлайдилар, фуқароларнинг турар жойлари ижараси ёки улардан текин фойдаланиш тўғрисидаги шартномаларнинг мавжудлигини текширадилар;

турар жой эгалари ва хусусий мулкдорлар ширкатлари томонидан уй-жой фонди ва уй атрофи ҳудудларидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига, шу жумладан, кўп қаватли уйларнинг чордоқ ва ертўлалари ҳамда бошқа қўшимча бино ва хоналардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этилиши бўйича чоралар кўрадилар;

эгасиз турар жойларни аниқлаш ва уларнинг сақланишини назорат қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар кўрадилар;

гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши ва истеъмол қилиниши, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

порнографик мазмундаги маҳсулотлар, фоҳишабозлик ва ОИВ/ОИТС-нинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ёйилиши ҳамда фоҳишахоналарнинг сақланишига чек қўйиш, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ушбу йўналишдаги ишларини мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар ўтказадилар;

ҳуқуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун ҳуж-



жатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли орган ва муассасаларга таклифлар киритадилар;

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари ҳолатлари ҳамда уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли ташкилотларни ўрнатилган тартибда хабардор қиладилар;

таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасалари ва бошқа ташкилотларда (тўгараклар, клублар ва ҳ. к.) вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар ахволини ўрганадилар;

васийлик ва ҳомийлик органларига етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришда кўмаклашадилар;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмалари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни ҳамда бу борадаги ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайдилар;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари билан жинойтларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ҳамкорлигини таъминлайдилар;

санитария, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва ёнғин хавфсизлиги соҳаларидаги қонунчиликка риоя этилиши бўйича чораларни амалга оширишда иштирок этадилар;

суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этилишида жамоат тартибини таъминлашда иштирок этадилар;

табiiй офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатларнинг оқибатларини бар-тараф этишда жамоат тартибини таъминлайдилар.

Профилактика инспекторлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлари ҳам амалга оширишлари мумкин.

13. Профилактика катта инспектори, ушбу Низомнинг 12-бандида санаб ўтилган ваколатлар билан бирга, ички ишлар органлари таянч пункти ва профилактика инспекторлари фаолиятини ташкил этади ва умумий раҳбарликни амалга оширади.

#### **4-боб. Профилактика инспекторларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги**

14. Профилактика инспекторлари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

фуқаролар ва мансабдор шахслардан қонунчиликка риоя этиш ва ғайри-қонуний ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;

ўз ваколатларини амалга оширишда фуқароларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини текшириш, уларнинг ёнларида тақиқланган буюм ва воситалар мавжуд деб гумон қилишга асослар бўлган тақдирда, шахсий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг ашёларини кўздан кечириш, ҳуқуқбузарликнинг қуролли ёки бевосита предмети бўлган буюм ва ҳужжатлар аниқланган тақдирда, қонунчиликда назарда тутилган тартибда уларни олиб қўйиш;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузиш ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ ўзларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш;

ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар ва хабарларни ўрнатилган тартибда текшириш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларга кириш, улардан тегишли маълумотларни сўраш ва олиш;

ўз иш юритувларида бўлган ишлар ва материаллар бўйича ҳолатларни аниқлаш мақсадида зарур тушунтиришлар, маълумотлар ва ҳужжатларни олиш учун фуқаролар ва мансабдор шахсларни чақириш;

фуқароларни, уларнинг розилиги билан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чораларини амалга оширишда кўмаклашишга жалб этиш;

қонунда кўрсатилган ҳолатлар ва тартибда қурол ва махсус воситаларни қўллаш.

Профилактика инспекторлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

15. Профилактика инспекторлари қуйидагиларга мажбурдир:

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида зарур чоралар кўриш;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ҳодиса содир этилган жойга дарҳол етиб келиш, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиш, фуқароларнинг хавфсизлигига қаратилган таҳдидларни бартараф этиш, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаш;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ҳодиса содир этилган жойда жабрланган, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёки бошқа турдаги ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

ўз хизмат мажбуриятларини бажариш муносабати билан унга маълум бўлган фуқароларнинг шахсий ҳаёти, шаъни ва кадр-қиммати тааллуқли маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этмаслик, хизмат маълумотлари, шунингдек, тижорат ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа сирларнинг махфийлиги ва сақланишини таъминлаш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ўтказишда фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахслар мол-мулки хавфсизлигини таъминлаш;

чақирув бўйича келишдан бўйин товлаётган шахсларни мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажримлари, прокурорнинг, терговчининг ёки суриштирувчининг қарорларини тегишли ҳудудда бажарилишини таъминлаш;

қонун ҳужжатлари билан ички ишлар ходимлари учун белгиланган чеклов ва тақиқларга риоя этиш.

Профилактика инспекторларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

16. Профилактика инспекторлари ўз зиммаларига юкланган вазифа ва

функцияларнинг талаб даражасида ва самарали бажарилиши учун масъул-дирлар.

**5-боб. Профилактика инспекторларининг давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамкорлиги**

17. Профилактика инспекторларининг давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ҳамда аҳоли билан ҳамкорлигини ташкил этиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

хуқуқбузарликлар профилактикаси, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича қўшма тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш;

коллегиал қарорларни талаб қилувчи вазифалардан келиб чиқиб қўшма йиғилишлар ўтказиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти натижалари ҳақида хабардор қилиб бориш;

фаолиятга баҳо бериш ва биргаликда амалга оширилган ишлар натижаларини ҳисобга олиш;

ҳамкорликни ташкил этишнинг илғор шакллари ва усулларини умумлаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.

Ҳамкорликнинг даражаси, доираси ва хусусиятидан келиб чиқиб, қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

18. Давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар профилактика инспекторларига ўз ваколатлари доирасида ўқув-методик, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин.

19. Ахборот алмашиш ёзма сўровлар асосида амалга оширилади. Сўровга, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у олинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирилмай жавоб берилиши лозим.

20. Профилактика инспекторлари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни ўтказишда, оилавий-маиший низолар масалаларини ҳал этишда, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, ноқонуний диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш чораларини кўришда, фуқароларнинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқларига риоя этилишини, диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмаслигини таъминлашда фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик қиладилар.

21. Профилактика инспекторлари ҳар ойда хуқуқбузарликлар профилактикаси ва хуқуқбузарликларни олдини олиш ҳолати тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этадилар.

22. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) билан биргаликда қуйидагиларга қаратилган чораларни амалга оширадилар:

эгасиз турар жойларни аниқлаш ва уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини назорат қилиш;

виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши;

оилавий-маиший сабабларга кўра содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суистеъмол қилиш натижасида фуқаронинг муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқаронинг рухий ҳолати бузилганлиги (рухий касаллиги ёки ақлий заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза бериш масалалари.

Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) билан биргаликда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

23. Профилактика инспекторлари «Маҳалла посбони» жамоатчилик тuzилмалари билан бириктирилган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу борада уларнинг фаоллиги ва ҳушёрлигини ошириш масалаларида ҳамкорлик қиладилар.

24. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари билан қўйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:

аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш бўйича фуқароларнинг фаоллигини оширишга йўналтирилган тушунтириш ишларини ташкил этиш;

терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш;

тинчлик ва осойишталикни таъминлашда фуқаролар огоҳлигини, аёллар фаоллигини ошириш;

озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаётган ёхуд жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, шу жумладан, диний экстремистик гоялар таъсирига тушган шахсларнинг яқин қариндошлари билан профилактика ишларини олиб бориш ва уларга кўмаклашиш;

аёллар ўртасидаги эрта никоҳдан ўтиш, ўз жонига қасд қилиш, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда уларга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

25. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиялари билан қўйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилади:

фуқароларнинг ёт гоялар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик таъсири остига тушиб қолишлари, оилавий келишмовчиликлар шунингдек, ёшлар тарбиясига масъулиятсиз муносабатда бўлиш ҳолатларининг олдини олиш;

кўшниллар ва қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ўзаро муносабатларини тиклаш бўйича чораларни кўриш;

ички ишлар органлари ҳисобида турган, айниқса, муқаддам судланган, ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштириш.

26. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:

аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

оилаларнинг барбод бўлиш ҳолатларини бартараф этишга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш;

хорижий давлатларга чиқаётган ва у ердан қайтган аёллар ҳисобини юритиш, улар билан тегишли профилактика ишларини амалга ошириш.

27. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг маърифат ва маънавий масалалари бўйича комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилади:

диний экстремизм, фундаментализм ва миссионерлик сабабларини ўрганиш, уларнинг салбий оқибатларини тушунтириш, шунингдек уларни бартараф этишга ва аҳолини огоҳликка чақиришга йўналтирилган чораларни амалга ошириш;

рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўймаслик ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш чораларини кўриш.

28. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилади:

вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси, уларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;

ота-оналари ички ишлар органларида профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганларнинг турмуш тарзи ва хулқини ўрганиш;

васийлик ва ҳомийлик органларига етим болалар, ота-оналар қаровисиз қолган ёхуд ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган болалар тўғрисида маълумот тақдим этиш, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришда кўмаклашиш.

29. Профилактика инспекторлари экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:

аҳолининг экологик маданиятини ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чораларини кўриш;

табиий офатлар билан курашишга ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга фуқароларни жалб этиш;

бириктирилган ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг фуқаролар йиғинида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, санитария ҳолати ва ободонлаштириш юзасидан ҳисоботларини эшитиш бўйича таклифларни тайёрлаш.

30. Профилактика инспекторлари нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қўйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:

ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган қўшма дастурларни ишлаб чиқиш;

ҳуқуқбузарликлар оқибатида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар тузиш;

фуқароларни, айниқса, ёшларни маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, жисмоний ва меҳнат тарбиясини амалга оширишда иштирок этиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;

миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги ғояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш.

31. Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғини органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

32. Профилактика инспекторларининг давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлиги уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида кўмаклашиш ва зарурий ёрдам кўрсатиш билан иштирок этишлари орқали амалга оширилади.

33. Профилактика инспекторлари туман ва шаҳар ички ишлар органларига ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол иштирок этганлиги ёки алоҳида хизматлари учун фуқароларни рағбатлантириш ҳақида таклифлар киритишлари мумкин.

34. Профилактика инспекторлари қўшма тадбирларни, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид «давра суҳбатлари», семинарлар ва ижтимоий сўровлар ташкил этиш орқали ўтказишлари мумкин.

### **6-боб. Таянч пунктларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник таъминоти масалалари**

35. Таянч пункти криминоген вазият, аҳоли зичлиги ва жойларда фуқаролар хавфсизлиги ҳамда жамоат тартибини тегишли тарзда таъминлаш билан боғлиқ бошқа шарт-шароитлар инobatга олинган ҳолда қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибда ташкил этилади ва тугатилади.

36. Таянч пункти қўйидагиларни ўз ичига оловчи махсус жиҳозланган хоналарда жойлашади:

профилактика катта инспектори ва профилактика инспекторининг хизмат хонаси;

таянч пунктига хизматга жалб қилинадиган ички ишлар органларининг бошқа хизматлари ходимлари учун хизмат хонаси;

«Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси ва бошқа жамоат бирлашмалари вакиллари учун хизмат хонаси;

аҳоли билан тушунтириш ишларини олиб бориш зали;

хуқуқбузарларни ушлаб туриш хонаси;

дам олиш, ювиниш ва санитария-гигиена хоналари.

37. Таянч пунктлари учун ер майдони ва биноларни ажратиш, қурилиш, таъмирлаш ва капитал таъмирлаш, шунингдек мебель билан жиҳозлаш шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Таянч пункти туман, шаҳар ҳокимликлари балансида бўлади ва унинг биноси Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг Хуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси розилигисиз бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сотилмайди ёки берилмайди.

38. Таянч пунктларини зарурий техник воситалар, кўргазмали қўлланмалар, хизмат ҳужжатлари ва автотранспорт воситалари билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

39. Жамоат бирлашмалари билан доимий ва самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида таянч пунктлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бир бинода ёки унга яқин жойда жойлашади.

### **7-боб. Яқунловчи қоида**

40. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.